



ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ ТУШУНЧАСИНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ ВА ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Асқаров Мирзохид Миржалол ўғли

ИИБ Академияси Ички ишлар органлари фаолиятини услубий
таъминлаш маркази бош илмий ходими, ю.ф.б.ф.д. (PhD),
подполковник

Искандаров Дониёр Тахирович

ИИБ Академияси Ички ишлар органлари фаолиятини услубий
таъминлаш маркази етакчи илмий ходими, майор
<https://doi.org/10.5281/zenodo.21639148>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 24-iyul 2026 yil
Ma'qullandi: 26-iyul 2026 yil
Nashr qilindi: 28-iyul 2026 yil

KEYWORDS

хуқуқбузарликларнинг
олдини олиш,
хуқуқбузарликлар
профилактикаси,
профилактика инспектори,
самарадорлик,
натижадорлик, ижро этиш
даражаси, хуқуқий
категория, норматив-
хуқуқий таъриф, хуқуқий
бўшлиқ, муаллифлик
таърифи.

ABSTRACT

Мақолада хуқуқбузарликларни олдини олиш
фаолияти самарадорлиги тушунчасининг илмий-
назарий ва хуқуқий асослари таҳлил қилинган.
“Самарадорлик” тушунчасининг лингвистик,
иқтисодий, бошқарув ҳамда юридик-криминологик
талқинлари қиёсий ўрганилиб, унинг
“натижадорлик”, “бажарилиш даражаси” каби
тушунчаларидан фарqli жиҳатлари очиб берилган.
Ички ишлар органлари тизимида оид 2014–2025
йилларда қабул қилинган қонунлар ва қонуности
норматив-хуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида
“профилактика инспекторининг
хуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти
самарадорлиги” тушунчасига муаллифлик таърифи
ишлаб чиқилган.

Хуқуқбузарликларни олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда
аҳоли учун хавфсиз ва барқарор муҳит яратиш давлат хуқуқий сиёсатининг устувор
йўналишларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда
хуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг
кўламли ислохотлар амалга оширилди.

Жумладан, “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги [1] ҳамда “Ички
ишлар органлари тўғрисида”ги [2] қонунларнинг қабул қилиниши, ички ишлар
органлари, айниқса хуқуқбузарликларни олдини олиш хизмати фаолиятининг
комплекс такомиллаштирилиши мазкур соҳани сифат жиҳатдан янги босқичга олиб
чиқди.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, хуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш
ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири саналади. **Ушбу
фаолият самарадорлигини объектив ва илмий асосда баҳолаш** профилактик чора-
тадбирларнинг сифатини аниқлаш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш,
асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш, куч ва воситаларни оқилона

тақсимлаш, шунингдек, стратегик дастурлар ва кадрлар сиёсатини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари ҳозирги вақтда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти самарадорлигини баҳолашга оид асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳияти назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан етарли даражада ёритилмаганлигини оқибатида амалиётда турлича ёндашувларнинг шаклланишига ҳамда баҳолаш жараёни кўп ҳолларда миқдорий ва статистик кўрсаткичлар билан чекланиб қолишига олиб келмоқда.

Хусусан, жорий даврда қайд этилган жиноятлар сони аввалги давр кўрсаткичлари билан қиёсланиб, жиноятчиликнинг ўсиши “салбий”, камайиши эса “ижобий” натижа сифатида баҳоланади. Бироқ жиноятлар сонининг камайиши ҳар доим ҳам профилактик чора-тадбирларнинг самарадорлигини англатмайди. Бундай кўрсаткич жиноятларнинг латент ҳолда қолиши, мурожаат ва хабарларнинг тўлиқ рўйхатга олинмаслиги, аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш фаоллиги пасайиши ёки ҳисоб юритиш амалиёти билан боғлиқ бошқа субъектив омиллар таъсирида ҳам юзага келиши мумкин.

Ушбу муаммо Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2026 йилда чоп этилган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Яшнобод тумани мисолида” номли ҳуқуқий аудит ҳисоботида [3] ҳам ўз ифодасини топган. Ҳисоботда амалдаги баҳолаш тизимининг асосан ўтказилган тадбирлар ва учрашувлар, расмийлаштирилган маъмурий баённомалар ҳамда статистик кўрсаткичлардан иборат жараёнга йўналтирилган хулосаларга асосланаётгани танқид қилинган.

Бундай ёндашув профилактика чора-тадбирларининг ҳақиқий ижтимоий самарасини, жумладан, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларнинг бартараф этилгани, криминоген хавф омилларининг камайлгани, хавф гуруҳидаги шахсларнинг ижтимоий ҳолати яхшилангани, такрорий ҳуқуқбузарликларнинг олди олингани ҳамда аҳолининг шахсий хавфсизлик ҳисси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бўлган ишончини тўлиқ баҳолаш имконини бермайди.

Шу сабабли ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш фаолияти самарадорлигини фақат жиноятлар сонининг ўсиши ёки камайиши билан эмас, балки эришилган аниқ натижалар, бартараф этилган криминоген омиллар, ҳал этилган ижтимоий муаммолар, такрорий ҳуқуқбузарликларнинг олди олинганлиги ва профилактик таъсирнинг барқарорлиги каби **миқдорий ҳамда сифат мезонлари асосида баҳолаш** мақсадга мувофиқ.

Шу нуқтаи назардан, “самарадорлик” тушунчасининг мазмун-моҳиятини илмий жиҳатдан аниқлаш, унинг “натижадорлик”, “бажарилиш даражаси” каби ўхшаш тушунчалардан фарқини белгилаш, мазкур тушунчанинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўлланилиш ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятига нисбатан ягона ҳуқуқий таърифни ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади. Мазкур мақола доирасида ушбу масалаларга оид мавжуд илмий-амалий ёндашувлар атрофлича таҳлил қилинди.

“Самарадорлик” тушунчаси кўп қиррали бўлиб, ҳар бир фан соҳасида ўзига хос мазмунга эга. Ушбу атамани изоҳлашда иқтисодиёт, бошқарув ҳамда ҳуқуқшунослик ва

криминология назарияларини учта йирик манба сифатида кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Гарчи мазкур учта йўналиш бир-биридан мустақил ривожланган бўлса-да, ўрганишлар улар ўртасида ўзаро изчил боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади.

Атаманинг мазмун-моҳиятини очиб беришда, аввало, унинг **лингвистик асосига** мурожаат қилиш ўринли. Жумладан, Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “самарадорлик” сўзи “самарали, фойдали бўлишлик, фойдалилик” [4] маъноларини англатиши қайд этилган. Бироқ, мазкур луғатда атаманинг фақат умумий мазмуни ифодаланган, “ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти самарадорлиги” тушунчаси бўйича изоҳлар келтирилмаган.

Аслида “самарадорлик” тушунчаси дастлаб **иқтисодий назария** доирасида шаклланган бўлиб, унинг мазмуни сарфланган ресурслар ва эришилган натижалар ўртасидаги нисбатни аниқлаш орқали ифодаланган. Мазкур ёндашув иқтисодий назариянинг классик вакиллари В. Парето [5], Н. Калдор [6] ва Ж. Хикс [7] асарларида тизимли равишда асослаб берилган. Инглиз иқтисодчиси А. Маршалл [8] томонидан илгари сурилган “маржинал самарадорлик” назарияси ҳамда Р. Коуз ва О. Уильямсоннинг “трансакция харажатлари” назарияси [9] “самарадорлик” тушунчасининг иқтисодий мазмунини янада чуқурроқ очиб берган.

Мазкур классик ёндашувларнинг умумий хусусияти шундаки, уларда самарадорлик, аввало, миқдорий жиҳатдан ўлчаниши мумкин бўлган категория сифатида талқин этилади. Бинобарин, у муайян нисбат, коэффициент ёки фоиз кўринишида ифодаланиб, унинг ҳақиқий мазмуни фақат қиёсий таҳлил орқали таққосланганидагина тўлақонли намоён бўлади. Шу билан бирга, мазкур назарияларда самарадорликни аниқлашда мавжуд ресурслардан қай даражада оқилона фойдаланилганлик масаласига алоҳида эътибор қаратилади, бу эса самарадорликни соф натижа кўрсаткичидан фарқлаб турувчи муҳим белги ҳисобланади.

Замонавий **бошқарув назариясининг** йирик вакилларида бири П. Друкер “самарадорлик” тушунчасини бирмунча бошқачароқ талқин этади. У «effectiveness» ва «efficiency» тушунчаларини ўзаро фарқлаб, effectiveness – “тўғри ишларни қилиш”, efficiency эса – “ишларни тўғри бажариш” эканини таъкидлаган [10]. Мазкур ёндашув ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятига татбиқ этилганда “effectiveness” ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни, “efficiency” эса ушбу мақсадга эришиш жараёнида мавжуд куч ва воситалардан қанчалик самарали фойдаланилганини ифодалайди.

“Самарадорлик” тушунчасига **юримдик нуқтаи назардан** ёндашилганда унинг мазмуни бирмунча кенгаяди. Хусусан, В.В. Лазарев [11] ҳуқуқни тўғри қўллаш юримдик фаолият самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланишини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳуқуқий нормаларнинг ҳақиқий самарадорлигини уларнинг амалда қандай қўлланилаётганини таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин.

Мазкур ёндашув ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятига нисбатан ҳам татбиқ этилиши мумкин, зеро профилактика субъектларининг фаолияти ўз ҳуқуқий табиатига кўра ҳуқуқни қўллашнинг ўзига хос кўринишидир. Бинобарин, ушбу фаолият самарадорлиги, аввало, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш соҳасига оид ҳуқуқий нормаларда белгиланган талаблар ва чора-тадбирларнинг амалиётда қай даражада тўғри, тўлиқ ва изчил қўлланилаётгани билан белгиланади.

Айни шу нуқтада норманинг қўлланилиш сифати билан фаолиятнинг натижаси ўзаро туташади. Ҳуқуқий нормалар қанчалик тўғри ва мақсадга мувофиқ қўлланилса, амалга оширилган профилактик чора-тадбирлар ҳуқуқбузарликларнинг олди олиниши ва криминоген омилларнинг бартараф этилишига шунчалик самарали таъсир кўрсатади.

Профессор М.Ҳ. Рустамбаев ҳам ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини ҳуқуқий норма мақсади билан эришилган ижтимоий натижа ўртасидаги мутаносиблик орқали баҳолайди. Унинг фикрича, жиноят ҳуқуқи ва криминологияда “самарадорлик, энг аввало, жиноий тажовуздан ҳимоя қилинаётган ижтимоий муносабатларнинг қай даражада таъминлангани билан белгиланади” [12].

Ҳуқуқшунослик ва криминологияда “самарадорлик” тушунчаси мазкур ёндашувларни ўзаро уйғунлаштирган ҳолда намоён бўлади. Бунда ҳуқуқий нормалар ва профилактик чора-тадбирларнинг самарадорлиги нафақат уларнинг расман бажарилгани, балки ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга кўрсатган ижобий таъсири билан ҳам баҳоланади.

Ҳуқуқий адабиётларда “самарадорлик” тушунчаси турли йўналишларда қўлланилган бўлса-да, уларнинг умумий мазмуни мақсад ва эришилган натижа ўртасидаги нисбатни ифодалашга қаратилган. Жумладан, Қ.Р. Абдурасулова таҳрири остидаги “Криминология” [13] дарслигида ушбу атама жиноятларнинг олдини олиш орқали жиноятчилик даражасини минимал даражагача камайтириш мақсади билан боғлиқ ҳолда қўлланилган. З.С. Зарипов ва бошқа муаллифлар томонидан тайёрланган “Криминология” [14] дарслигида эса жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлиги қўйилган профилактик мақсадга эришиш, жиноятлар сонининг камайиши ва уларга сабаб бўлган ҳолатларнинг бартараф этилиши орқали баҳоланиши таъкидланган.

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” дарслигида [15] самарадорлик ҳуқуқий тартибга солиш мақсади билан эришилган натижа ўртасидаги нисбат сифатида изоҳланган. Ю.С. Пулатов, И.У. Исмоилов ва А. Қурбановларнинг “Ички ишлар органларида бошқарув асослари” дарслигида [16] эса ички ишлар органларида бошқарув самарадорлиги энг кам ташкилий, инсоний, моддий-молиявий ва бошқа харажатлар сарфлаган ҳолда оператив вазиятнинг исталган ҳолатига эришиш натижаси сифатида талқин қилинган.

Яна бир муҳим масала – “самарадорлик” тушунчасининг баҳолаш фаолиятида қўлланиладиган “натижадорлик”, “бажарилиш даражаси” ва “маҳсулдорлик” каби ўхшаш тушунчалардан фарқини аниқ белгилашдир. Хусусан, “бажарилиш даражаси” фақат белгиланган вазифа ва топшириқларнинг қай даражада ижро этилганини ифодалаб, одатда режа-ижро нисбати орқали, фоизларда ўлчанади. “Натижадорлик” амалга оширилган чора-тадбирларнинг муайян ижобий натижа берганлигини англатади. Яъни эришилган натижанинг қўйилган мақсадга мувофиқлигини акс эттиради.

Мазкур тушунчаларнинг ўзаро нисбатини қуйидаги қиёсий жадвал орқали яққол кўрсатиш мумкин (1-жадвал).

“Самарадорлик” ва унга ёндош тушунчаларнинг қиёсий тавсифи

Тушунча	Асосий мазмуни	Баҳолаш мезони	Қамрови
Бажарилиш даражаси	Белгиланган вазифа ва топшириқларнинг ижро этилганлиги	Режа-ижро нисбати (фоизларда)	Тор, ташкилий-ижро доираси
Натижадорлик	Амалга оширилган чоратадбирларнинг муайян ижобий натижа берганлиги <i>(ресурсар баланси инобатга олинмайди)</i>	Эришилган натижанинг қўйилган мақсадга нисбати	Ўрта, мақсадга йўналтирилган
Самарадорлик	Мақсадга мувофиқлик, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ижтимоий фойдалиликнинг бирлиги	Миқдорий ва сифат мезонлари мажмуи	Кенг, комплекс

Жадвалдан кўриниб турибдики, юқорида қайд этилган иккита тушунча (натижадорлик ва бажарилиш даражаси) ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятининг ҳуқуқий табиати, ҳақиқий сифати ва ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятини тўлиқ очиб бермайди. “Самарадорлик” эса фақатгина вазифанинг бажарилиши ёки муайян натижага эришишни эмас, балки ушбу натижанинг қанчалик мақсадга мувофиқлигини, ресурслардан оқилона фойдаланилганини ҳамда ижтимоий фойдалилик жиҳатини ҳам қамраб олади.

Шу боис ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида айнан “самарадорлик” категорияси комплекс ва устувор илмий тушунча сифатида қўлланилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мазкур назарий ва концептуал муаммо ички ишлар органлари фаолиятининг турли соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб борган миллий тадқиқотчиларнинг ишларида ҳам ўз аксини топган бўлиб, уларнинг ёндашувлари тизимли қиёсий таҳлилни тақозо этади.

Хусусан, тадқиқотчи З. Исмоилов [17] ўз изланишларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали усулларини ривожлантириш масалаларига тўхталар экан, муаллиф томонидан профилактик таъсир кўрсатиш усуллари таҳлил қилинган. Аммо айнан “ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти самарадорлиги” тушунчасининг ўзига хос криминологик ва бошқарув хусусиятларини қамраб олувчи назарий-ҳуқуқий таърифи илгари сурилмаган.

Шунингдек, профессор Қ.Р. Абдурасулова ва Б. Умирзаковлар [18] криминология фанининг долзарб вазифалари ва истиқболлари доирасида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш жараёнларини фақатгина қуруқ расмий статистика ортидан қувиш

иллатидан холи тарзда баҳолаш зарурлигини асослайдилар. Муаллифларнинг ушбу қимматли қарашлари баҳолаш тизимини ижтимоийлаштириш заруратини кўрсатса-да, уларнинг изланишларида “ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти самарадорлигини баҳолаш” категориясининг ташкилий-ҳуқуқий алгоритми ва унинг қонунчиликдаги ўрни мустақил тушунча сифатида алоҳида ёритилмаган.

Ўз навбатида, профилактика инспектори фаолиятининг энг муҳим бўғинларидан бири бўлган профилактик ҳисобдаги шахслар билан ишлаш тизимини тадқиқ этган муаллифларнинг Д.Д.Вахобжонов ва С.Ш.Диниқулов[19] ишида ушбу манзилли чора-тадбирларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ёритилган. Бироқ мазкур илмий изланишда инспекторнинг маъмурий-ҳуқуқий ва назорат фаолияти қамраб олинган бўлиб, Профилактика инспекторининг маҳалла миқёсидаги комплекс фаолиятини, хусусан, аҳоли ишончи ва ижтимоий фикр омилларини мужассамлаштирган “ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти самарадорлиги” тушунчасига назарий ёндашилмаган.

Мазкур ҳолатни ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатларида ҳам кузатиш мумкин. Тадқиқот доирасида ички ишлар органлари (кейинги ўринларда – ИИО) тизимига оид 2014–2025 йилларда қабул қилинган қатор қонунлар ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилиниб, уларда “самарадорлик” ва “баҳолаш” тушунчаларининг қўлланилиши ҳамда ҳуқуқий мазмун касб этиш жараёни ўрганилди.

Таҳлил натижалари мазкур давр мобайнида ушбу тушунчалар норматив-ҳуқуқий тартибга солиш тизимига босқичма-босқич ва изчил сингиб борганини кўрсатди. Дастлаб умумий ва декларатив мазмунда қўлланилган “самарадорлик” ҳамда “баҳолаш” тушунчалари кейинчалик стратегик-ҳуқуқий категорияларга, сўнгра эса аниқ мезонлар, рақамли индикаторлар ва алгоритмлаштирилган баҳолаш механизмларига асосланган амалий воситага айлантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонунида [1] ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ишларни баҳолаш, самарадорлигини ошириш ва мувофиқлаштириш вазифаси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссияга юклатилган.

Бироқ мазкур Қонунда “ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти самарадорлиги” ҳамда “ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти самарадорлигини баҳолаш” тушунчалари, уларнинг мезон ва индикаторлари аниқ белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон Қонунида [2] ҳам профилактика инспекторининг асосий вазифаларидан бири бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти самарадорлиги ва уни баҳолашга оид махсус таъриф мавжуд эмас. Мазкур Қонунда “самарадорлик” атамаси фақат раҳбарлар ҳисоботларини эшитиш жараёнида улар фаолиятига шахсан баҳо бериш мазмунида қўлланилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2025 йил 20 июлдаги “Профилактика инспекторлари фаолиятини сунъий интеллект орқали

назорат қилиш ва рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 410-сон буйруғи [20] асосида профилактика инспекторлари фаолиятини электрон мезон ва кўрсаткичлар орқали рейтинг баҳолаш тартиби жорий этилди.

Мазкур ҳужжат орқали баҳолашнинг рақамли индикаторлари ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланган бўлса-да, унда ҳам “ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти самарадорлиги” ва “уни баҳолаш” тушунчаларига назарий-ҳуқуқий таъриф берилмаган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, “самарадорлик”, “баҳолаш” ва “самарадорликни баҳолаш” атамалари қонунчиликда дастлаб умумий-декларатив мазмунда қўлланилган бўлса, кейинчалик уларни рақамли мезон ва индикаторлар орқали амалий баҳолаш воситасига айлантиришга муайян ҳаракат қилинган. Бироқ амалдаги қонунчилик, ҳуқуқий адабиётлар ва илмий тадқиқотларда “ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти самарадорлиги” ҳамда “ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти самарадорлигини баҳолаш” тушунчаларига ягона таъриф берилмаган.

Мазкур ҳолат ушбу категорияларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича талқин қилинишига, баҳолаш предмети, мезонлари ва натижаларини белгилашда ягона ёндашувнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Шу сабабли мазкур тушунчаларга муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигини инобатга олиб, “профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти самарадорлиги” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ:

«Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти самарадорлиги — бу профилактика инспектори томонидан бириктирилган маъмурий ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига таъсир кўрсатувчи омилларни ўз вақтида аниқлаш, уларни бартараф этиш ёки таъсирини камайтириш, профилактик чора-тадбирларни мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда амалга ошириш натижасида ҳуқуқбузарликларнинг олди олиниши ёки уларнинг содир этилиш хавфи пасайиши, жамоат хавфсизлиги ҳолатининг яхшиланиши ҳамда аҳолининг давлатга, шу жумладан, ички ишлар органлари тизимига ишончи ортишида ифодаланадиган комплекс ҳуқуқий-ташқилий натижадир».

Фикримизча, мазкур ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонунининг “Асосий тушунчалар” деб номланган 3-моддасини қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдириш таклиф этилади:

“ҳуқуқбузарликлар олдини олиш фаолияти самарадорлиги – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига таъсир кўрсатувчи сабаблар ва шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш, бартараф этиш ёки уларнинг таъсирини камайтириш бўйича мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ҳуқуқбузарликларнинг олди олиниши, уларнинг содир этилиш хавфи пасайиши, жамоат хавфсизлиги ҳолатининг яхшиланиши ҳамда аҳолининг давлат органларига бўлган ишончи ортишида ифодаланадиган комплекс ҳуқуқий-ижтимоий натижа”.

Мазкур таърифларнинг тегишлича Қонунда ва ички ишлар органларининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида акс этиши соҳада ягона тушунчавий асос

яратиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини баҳолаш мезонларининг ички изчиллигини таъминлаш билан бир қаторда, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги турлича талқинларнинг бартараф этилишига хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, "самарадорлик" тушунчасини илмий асослаш ва ҳуқуқий мустаҳкамлаш биз кўриб чиқаётган масаланинг фақат биринчи босқичидир. Баҳолашнинг объекти, предмети, субъектлари ҳамда миқдорий ва сифат мезонларини асослаш, комплекс моделини ишлаб чиқиш эса, алоҳида тадқиқот предмети бўлиб, бу кейинги мақоламизда атрофлича ёритилади.

Хулоса қилиб айтганда, "самарадорлик" тушунчасининг илмий асосланган ва қонунчиликда мустаҳкамланган таърифи профилактика инспекторининг жамият олдидаги ҳисобдорлигини оширишга, аҳолининг ички ишлар органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни, 2014 йил 14 май, ЎРҚ-371-сон // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2014. – № 5. – 129-модда. URL: <https://lex.uz/docs/2387357> (электрон манбага мурожаат этилган санаси: 23.05.2026).
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни, 2016 йил 16 сентябрь, ЎРҚ-407-сон // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2016. – № 9. – 256-модда. URL: <https://lex.uz/docs/3055035> (электрон манбага мурожаат этилган санаси: 23.05.2026 й).
3. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Яшнобод тумани мисолида. Ҳуқуқий аудит ҳисоботи. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2026. – 148 б.
4. Ўзбек тилининг изохли луғати: 5 жилдли / А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006–2008. – <https://ziyouz.uz/> – Б. 434. (электрон манбага мурожаат этилган санаси: 23.05.2026 й)
5. Pareto V. Manuel d'économie politique / Traduit sur l'édition italienne par A. Bonnet. – Paris: V. Giard et E. Brière, 1909. – 695 p. <https://www.eyrolles.com/Entreprise/Livre/manuel-d-economie-politique-9782013523097/> (электрон манбага мурожаат этилган санаси: 23.05.2026 й)
6. Kaldor N. Welfare Propositions of Economics and Interpersonal Comparisons of Utility // The Economic Journal. – 1939. – Vol. 49, № 195. – P. 549–552. <https://www.researchpublish.com/upload/book/KALDOR-HICKS-6592.pdf> (электрон манбага мурожаат этилган санаси: 23.05.2026 й)
7. Hicks J.R. The Foundations of Welfare Economics // The Economic Journal. – 1939. – Vol. 49, № 196. – P. 696–712. <https://www.researchpublish.com/upload/book/KALDOR-HICKS-6592.pdf> (электрон манбага мурожаат этилган санаси: 23.05.2026 й)
8. Marshall A. Principles of Economics. – 8th ed. – London: Macmillan, 1920. – P. 84–86. https://oll-resources.s3.us-east-2.amazonaws.com/oll3/store/titles/1676/Marshall_0197_Bk.pdf. (электрон манбага мурожаат этилган санаси: 23.05.2026 й)

9. Coase R.H. The Nature of the Firm // *Economica*. – 1937. – Vol. 4, № 16. – P. 386–405; Williamson O.E. The Economic Institutions of Capitalism. – New York: Free Press, 1985. – P. 15–18. https://www.academia.edu/5271849/Nature_of_the_firm. (электрон манбага мурожаат этилган санаси: 23.05.2026 й).
10. Drucker P.F. The Effective Executive. – New York: Harper & Row, 1967. – P. 1–2. <https://www.amazon.com/Effective-Executive-Definitive-Getting-Things/dp/0062574345>. (электрон манбага мурожаат этилган санаси: 23.05.2026 й).
11. Лазарев В.В. Эффективность правоприменительных актов. – Казань: Изд-во Казанского ун-та, 1975. – С. 92. <http://lawlibrary.ru/izdanie1887.html>. (электрон манбага мурожаат этилган санаси: 23.05.2026 й)
12. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент: ILM ZIYO, 2005. – Б. 178.
13. Криминология: Дарслик / Қ.Р. Абдурасулова таҳрири остида; масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбаев. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2008. – 305 б.
14. Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ.; проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2006.
15. Odilqoriyev X.T. Davlat va huquq nazariyasi: Darslik. – Toshkent: Adolat, 2021. – B. 211–212.
16. Пулатов Ю.С., Исмаилов И.У., Қурбанов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари: Дарслик. – Тошкент: ИИБ Академияси, 2005. – Б. 176–177.
17. Ismoilov Z. Huquqbuzarliklar profilaktikasi, jinoyatlarni oldini olish va unga qarshi samarali kurashish usullari // *Kriminologiya va jinoiy odil sudlov*. – 2025. – T. 5. – № 3. – B. 51–61. URL: <https://ccj.tsul.uz> (электрон манбага мурожаат этилган санаси: 01.06.2026).
18. Abdurasulova Q., Umirzakov B. Kriminologiya fanining vujudga kelishi, dolzarb vazifalari va rivojlanish istiqbollari // *Yurisprudensiya*. – 2024. – T. 4. – № 3. – B. 77–88.
19. Д.Д.Вахобжонов, С.Ш.Диникулов. // Профилактика инспекторларининг профилактик хисобдаги шахслар билан ишлаш фаолиятининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари // Научный Импульс. – 2025. – Т. 4. – №. 40. – С. 393–398. <https://nauchny impuls.org> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 01.06.2026 й.01.06.2026 й)
20. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2025 йил 20 июлдаги «Профилактика инспекторлари фаолиятини сунъий интеллект орқали назорат қилиш ва рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги 410-сон буйруғи.